

НОСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ «ТАЖРИД АЛ-КАЛОМ» АСАРИ ВА УНИНГ ШАРҲЛАРИ

ПРОИЗВЕДЕНИЕ НАСИРИДДИНА ТУСИ «ТАДЖРИД АЛЬ-КАЛАМ» И КОМЕНТАРИИ К НЕМУ

NASIRIDDIN TUSI'S WORK "TAJRID AL- KALAM" AND COMMENTARIES ON IT

Jakhongir TOKHIROV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,
head of the department of the
Imam Maturidi International Research Center
j.tokhirov@iiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2021/4/8

Аннотация: «Тажрид ал-калом» ўзининг мўъжазгина шакли билан калом илмига оид бошқа асарлардан ажралиб туради. Носириддин Тусий¹ вафотидан кейин кўп вақт ўтмай, қисқа давр мобайнида кўплаб шориҳларнинг ўзига хос эътиборига сазовор бўлди. Қўлғамалар хазиначилигидаги айрим шарҳлар ва ҳошияларга мурожаат қилган тадқиқотчи унинг қадр-қимматиغا гувоҳ бўлади.

Мақолада «Тажрид ал-калом»нинг ва унинг шарҳлари, ҳошиялари, таълиқот (қўшимча, илова) ларининг қўлғам нусхалари ҳамда нашрлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Асли 60 саҳифадан иборат бўлган Тажридга қарийб 200 йилдан сўнг (1420 йилларда) Али Қушчи ёзган шарҳи 400 саҳифадан ортиқ бўлиб, ҳар иккисидан ҳам ақида масалалари 6 мақсадга тақсимланган ҳолда баён қилинган.

Мазкур нусхалар ҳақидаги маълумотлар шундан далолат берадики, бугунга қадар Тажриднинг 4 та нусхаси сақланиб қолган, 2 таси нашр қилинган. Унга ёзилган 15 номдаги шарҳларнинг жами 45 та нусхаси сақланган, уларнинг энг кўпи 39 таси Али Қушчи шарҳининг нусхалари, 5 тасининг жами 10 та нашри қилинган. 53 та ҳошиянинг 8 таси Али Қушчи шарҳига ёзилган, ҳошияларнинг 10 та нусхаси сақланиб қолган. Яна 15 та ҳошиянинг фақат муаллифларигина, 2 та таълиқотнинг эса номи ҳам маълум ҳолда.

Шунингдек, бир асарда бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафий, ҳам ақидавий масалалар ёнма-ён таҳлил қилиниши муаллифларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар соҳасида қомусий олимлар бўлганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Тусийнинг ҳам, Али Қушчининг ҳам аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга оид асарлари машҳур бўлган ҳамда соҳа мутахассислари орасида таҳсинга сазовор бўлган. Кўпчилик шориҳларнинг ҳам илмий соҳалари ўхшаш. Улардан энг машҳурларидан бири бўлган Даввоний фикҳ ва калом билан бир қаторда фалсафа, мантиқ, ахлоқшунослик, риёзиёт ва геометрия соҳалари бўйича ҳам рисоалар ёзган.

«Тажрид ал-калом»нинг аҳамиятига фақат замон ва макон нуқтаи назаридангина баҳо берилса ҳам, маълум бўладики, асарга ҳар даврда кўпчилик олимлар мурожаат қилган, унинг тарихий ва географик жиҳатдан ҳам қамрови салмоқли бўлган.

Таянч иборалар: Тусий, Тажрид ал-калом, Али Қушчи, шарҳ, ҳошия, таълиқот, нашр.

Аннотация: Вскоре после смерти Насириддина Туси, произведение «Таджрид ал-калам», отличающееся от других богословских работ своей небольшой формой, сразу привлекло внимание многих ученых, написавших впоследствии комментарии (шарх) к нему. Комментарии к данному труду, а также хашия (глоссы) рукописей, являются доказательством научной ценности исследуемого нами произведения.

В статье представлена информация о рукописях «Таджрид ал-калам», комментариях к нему, глоссах, изданных публикациях и их особенностях.

Так, комментарий Али Кушчи к 60-страничному «Таджрид ал-калам», написанный почти 200 лет спустя (1420 г.), насчитывает более 400 страниц. Здесь вопросы вероучения разделены комментатором на 6 частей.

На сегодняшний день сохранилось 4 экземпляра «Таджрид ал-калам», 2 из которых опубликованы. Сохранены также 45 копий из 15 комментариев. Большинство (39) из этих копий представлены комментариями Али Кушчи. 5 из этих 15 комментариев к «Таджрид ал-калам» были опубликованы, затем издавались 10 раз в разных странах и в разные периоды. Из 53 комментариев на полях «Таджрид ал-калам» 8 описаны в комментариях Али Кушчи, из которых дошли до нас 10 копий. Известны только авторы остальных 15 глосс и названия двух приложений (таълик) к основному тексту.

Кроме того, одновременный анализ философских и религиозных (ақыда, калам) вопросов в рамках одной научной работы показывает, что авторы комментариев «Таджрид ал-калам» были учеными-энциклопедистами, так как хорошо разбирались как в религиозных, так и в светских науках. Действительно, труды Туси и Али Кушчи в точных, естественных и гуманитарных науках были хорошо известны и вызывали восхищение у специалистов в этой области. Большинство из этих учёных также имеют схожие научные направления. Один из самых известных из них, Даввани является автором трактатов по фикху (юриспруденции) и каламу, а также по философии, логике, этике, математике и геометрии.

Исторический и географический охват «Таджрид ал-калам» был значительным. Многие ученые в различные периоды истории ссылались на эту работу.

¹ Носириддин Тусий (ваф. 673/1274 й.) ўрта осийлик астроном, математик, файласуф, мутакаллим.

Ключевые слова: Туси, Тажрид аль-калам, Али Кушчи, комментарий, поля, публикация, трактат, хашия (гlossы).

Abstract: *Tajrid al-kalam differs from other theological works with its small form. It attracted the attention of many commentators in a short period after Nasiruddin Tusi's death. The 60-page commentary of Ali Kushchi on the Tajrid, written almost 200 years later (1420), is over 400 pages. The article provides information about manuscripts and published versions of Tajrid and its Sharhs, Hashiyas, Ta'liqats, and their features. We can witness the value of some of the Sharhs and Hashiyas in the manuscript when we refer to it.*

Information about these versions shows that, to date, four copies of Tajrid have reached us. Two of them have been published. The 45 copies of Sharhs under 15 titles written on it come down to us (39 copies of the commentary by Ali Kushchi). Only five of them have been published in a total of 10 editions. 8 of the 53 Hashiyas were written on Ali Kushchi's Sharh, and 10 copies of the Hashiyas have been preserved. Only the authors of the other 15 Hashiyas are known, and even the names of the other two Ta'liqats are unknown.

Also, the analysis of both philosophical and doctrinal issues in one work shows that the authors were encyclopedic scholars in both the religious and secular sciences. Indeed, the works of both Tusi and Ali Kushchi in the formal, natural and social sciences were well-known and admired by experts in the field. The scientific spheres of most commentators are similar. One of the most famous of them was Dawwani. He wrote treatises on Fiqh and Kalam together with Philosophy, Logic, Ethics, Mathematics, and Geometry.

The historical and geographical coverage of Tajrid al-kalam was significant. Many scholars referred to the book in each period of history.

Keywords: Tusi, Tajrid al-Kalam, Ali Kushchi, manuscript, Sharh (commentary), Hashiya (margin), Taaliqat, publication.

КИРИШ

“Тажрид ал-калом” асари Носириддин Тусий (ваф. 673/1274 й.)² каламига мансуб бўлиб, уни 1262 йилда ёзиб тугатган. Али Кушчи (ваф. 1474) уни кенг шархлаган. Тусий асарнинг мукаддимасида шундай ёзади: “Калом (илми) масалаларини саралаб

² Носириддин Тусий (Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан, в. 1274) ўрта осийлик астроном ва математик олим. Унинг «Ахлоқи Носирий», «Тажрид» каби асарлари ҳам Шарқда кенг тарқалган. У мўғул хони Ҳулоку саройида хизматга қилган Шарқ илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган. 1259 й. да Мароға расадхонаси қурилишига раҳбарлик қилган, атрофига турли мамлакат олимларини тўплаб, Мароға илмий мактабини яратган. Бу расадхонада ўша даврнинг мукамал астрономик жадвалларидан бири «Зижи Эл-хоний» тузилган. Тусийнинг минералогия, тиббиёт, физика, мантик (логика), фалсафа ва бошқа соҳаларга оид асарлари ҳам маълум. У кўпгина юнон олимлари асарларини араб тилига таржима қилган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг Қўлғезмалар фондида Тусий асарларининг 20 дан ортиқ ноеб нусхалари сақланади.

беришимни сўраган эдилар, уларга жавобан (китоб ёзиб) уни Тажрид ал-ақоид, деб номладим” (Tusi N., h.1090:2).

Асли ғоятда қисқа бўлгани сабабли “Тажрид” дея аталиши машҳур бўлган. Асарнинг номи манбаларда турли шаклларда учрайди – *ат-Тажрид*, *Тажрид ал-ақоид*, *Тажрид ал-эътиқод*, *Тахрир ал-эътиқод*, *Тажрид ал-калом*. Али Кушчининг шарҳи эса *Шарҳ ли-Қушжий*, *Шарҳ ат-тажрид*, *ат-Тажрид ал-жадид*, *аш-Шарҳ ал-жадид лит-тажрид* каби турли номлар билан келтирилган.

Тажрид ўзининг мўъжазгина шакли билан каломга оид бошқа асарлардан ажралиб туради. Муаллиф вафотидан кейин кўп вақт ўтмай, қисқа давр мобайнида кўплаб шориҳларнинг ўзига хос эътиборига сазовор бўлди. Қўлғезмалар хазиналаридаги айрим шарҳлар ва ҳошияларга мурожаат қилган тадқиқотчи унинг кадр-кимматига гувоҳ бўлади.

УСЛУБ

Асли 60 саҳифадан иборат бўлган Тажридга қарийб 200 йилдан сўнг (1420 йилларда) Али Кушчи ёзган шарҳи 400 саҳифадан ортиқ бўлиб, ҳар иккисида ҳам ақида масалалари куйидаги 6 мақсадга тақсимланган ҳолда баён қилинган. Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавҳид” асаридаги каломий-ақидавий мавзуларнинг аксари бунга кўп жиҳатдан деярли ўхшаш.

Улар: 1-мақсад “Умумий ишлар” деб номланиб, жами 3 та фаслдан иборат. 1-фасл “Мавжудлик ва йўқликни исбот ва инкор билан аниқлаш”, 2-фасл “Моҳият, бирлик ва кўплик”, 3-фасл “Сабаб ва оқибат” (Davvoniy J. h.1365:2).

2-мақсад “Жавҳарлар ва аразлар” деб номланиб, жами 5 та фаслдан иборат. 1-фасл Жавҳарлар. 2-фасл Жисмлар: фалакий ва унсурий. 3-фасл Жисмларнинг қолган ҳукмлари; Жисмларнинг барчаси кейин пайдо бўлганлиги баёни; Азалийлик маъносининг баёни; Бирикиш татбиқининг далили; Сукунат ҳодислигининг далили. 4-фасл Моддадан алоҳида жавҳарлар, у 2 қисм: нафс ва ақл; Алоҳида жавҳарлар ва уларнинг қисмлари баҳси; Рух кўчишининг инкорига далил; Кўриш ҳақидаги қарашлар тадқиқи. 5-фасл Аразлар тадқиқи; 2-баҳс Кайфият (ҳолат); Ҳиссиётлар шаклларга зидлиги тадқиқи; Ҳиссиётлар мизожга зидлиги тадқиқи; Фоторецептор воситалари тадқиқи: ранг ва зиё; Овозлар тадқиқи; Истеъдодлар қандай бўлиши тадқиқи; Нафсоният қандай бўлиши тадқиқи; Лаззат ва оғриқ тадқиқи; Иродат ва кароҳият тадқиқи (ихтиёрий ва мажбурий); Натижа (оқибат, таъсир) баёни тадқиқи; Ўлим ва оқибат баёни ҳақида тадқиқ; Соғлиқ ва касаллик; Махсус кимё қандай бўлиши тадқиқи; Бирикиш ҳақида тадқиқ;

3-мақсад “Яратувчининг сифатлари ва таъсирлари исботи ҳақида” деб номланиб, жами 3 та фаслдан иборат. 1-фасл Мавжуднинг вужуди. 2-фасл Унинг сифатлари ҳақида; Аллоҳ Таолонинг илми баёни ҳақида тадқиқ. 3-фасл Аллоҳнинг феъллари; Ҳасан ва қабих; Қазо ва қадарнинг маъноси ҳақида; Ғўзал мажбуриятларнинг бўлиши ва бўлмаслиги ўртасидаги зиддият баёни ва унинг самараси баёни; Лутфнинг вожиблиги баёни. 4-мақсад “Пайғамбарлик” ва унинг маъноси баёни; Пайғамбарларнинг фаришталардан афзаллиги баёни. 5-мақсад “Раҳбарлик” ва унинг баёни. 6-мақсад “Қиёмат”, хушхабар ва огоҳлантириш ҳақида; Тавба маъноси ва унинг ҳолати баёни; Жаннат ва дўзахнинг яратилган.

НАТИЖА

Тажриднинг бир нечта нусхалари мавжуд бўлиб, жумладан, Дунё қўлёзма фондларида унинг куйидаги 4 та **қўлёзма** нусхаси сақланаётганлиги, 2 таси **нашр** қилингани аниқланди:

1. Асарнинг энг қадимги асл нусхаси Тусийнинг ўзи томонидан 669/1270 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Техрондаги “Миллий шўро мажлиси” кутубхонасида сақланади (630-рақамли мажмуа таркибидаги 7-рақамли нусха).

2. Ҳ.765 йилнинг Рамазон ойида кўчирилган нусха, Қоҳирадаги “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” кутубхонасида 305-рақамда сақланади. “Тажрид ал-ақоид” 1996 йилда Искандария университети Адаб факультети доктори Аббос Муҳаммад Ҳасан Сулаймон томонидан танқидий-таҳлилий наشري қилинган, электрон нусхаси қўлимизда мавжуд (Аббос, Муҳаммад Ҳасан Сулаймон., 1996:5).

3. Мадинадаги “Ориф ҳикмат” кутубхонасида 48-рақамли, х.890 йилда кўчирилган нусха.

4. “Қирол Сауд университети” кутубхонасидаги 3957-рақамли нусха, х.1090 йилдан аввал кўчирилган бўлиши мумкин, хати таълиқ-ҳасан, 9 қатор, 60 бет, ўлчами 13,5х8,5. Электрон нусхаси қўлимизда мавжуд. “Дор ал-кутуб ал-мисрийя” фехрестиди келишича х.1311 йилда Ҳиндистонда наshr қилинган.

МУҲОКАМА

Тажридга қўплаб шориҳлар томонидан 15 номдаги шарҳлар битилган бўлиб, жумладан, уларнинг куйидаги 45 та нусхаси жаҳондаги қўлёзма фондларида сақланаётганлиги аниқланди:

1. Ал-Ҳаллийнинг (аллома Жамолиддин Ҳасан б. Юсуф ваф.726/1325, шиа) “Кашф ал-мурод фи шарҳ тажрид ал-этиқод” (Этиқодни саралаш шарҳидаги муродни кашф этиш) номли шарҳи. Бу

Тажрид шарҳларининг энг биринчиси, аҳамиятлиси ва минтақавий жиҳатдан энг кўп тарқалганидир. Техронда 2 та нусха сақланади. Асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида Карл Броккельман (1868-1956) ҳам ўзининг “Geschichte der arabischen Litteratur” (Араб адабиёти тарихи) номли асарида келтирган (Brockelmann C., 1938:206-209). Шунингдек, 1988 ва 1998 йилларда Байрутда, 1951 ва 2012 йилларда Қумда жами 4 марта наshr қилингани аниқланди. Электрон нусхалари қўлимизда ҳам мавжуд.

2. Аҳмад ал-Мисрийнинг (Аҳмад б. Муҳаммад ваф.757/1356) шарҳи “ал-Муфид” деб номланиши маълум (Xalifa H., 1941:351; Rizo U., 1957:157).

3. Ал-Исфаҳонийнинг (Шамсиддин Маҳмуд б. Абдурроҳман б. Аҳмад ал-Шофеъий ваф.1351) “Ташйид (Тасдид) ал-қоваъид фи шарҳ Тажрид ал-ақоид” (Ақидаларни саралаш шарҳидаги қоидаларни қувватлаш) номли шарҳи “ал-Шарҳ ал-қадим” (Эски шарҳ) номи билан машҳур бўлган. Унинг 4 та нусхаси Танто ва Техрон кутубхоналарида сақланади (Sayyid A., h.1357:358). Холид б. Ҳаммод ал-Адвани томонидан 1432/2012 йилда Қувайтда наshr этилган.

4. Али Қушчининг (Алоуддин Али б. Муҳаммад ваф.879/1474. сунний) шарҳи “ал-Шарҳ ал-жадид” (Янги шарҳ) номи билан машҳур бўлган. Ушбу шарҳнинг Мисрдаги Дор ал-кутуб кутубхонасида 1 та (1525-рақамли) тўлиқ, 9 та (393, 1318, 1315, 1511, 19328, 20025, 1228, 21255, 21259-рақамли) тўлиқ бўлмаган нусхалари; Бағдоддаги Ироқ музейи кутубхонасида 1 та (2420-рақамли) тўлиқ нусхаси; Техрондаги Миллий шўро мажлиси кутубхонасида “Шаворик ал-илҳом” номли (96-рақамли) 1 та нусхаси; Миллий кутубхонада 4 та (1275, 1355, 1452, 1466-рақамли) нусхаси; (Sayyid A., h.1357:224) Туркия кутубхоналарида (Сулаймония: I, 821, 822; II, 151, 742; Нуриусмония: № 2104/2; Қайсар Рашид Афанди: 484-рақамли) 7 та, (Aydin C., 1989:410) жами 39 та нусхаси сақланади. Али Қушчи шарҳининг тошбосмаси х.1301/1880 йилда Табризда (Nallino C., 1911:370), шарҳ ва унга Садриддин ал-Шерозий (ваф.1051/1641) ёзган хошия х.1307/1886 йилда Ҳиндистонда (Sarkis Y., 1922:1531), шарҳнинг “Илоҳиёт” боби танқидий-таҳлилий наشري Мисрнинг Искандария шаҳрида (2002 й.) наshr қилинган (Sobir A., 2002:1).

5. Ибн Камол Пошонинг (Шамсиддин Аҳмад б. Сулаймон ваф. 940/1533. сунний) шарҳи (Brockelmann C., 1938:668) “Тажрид ал-тажрид” (Саралашни саралаш) деб номланиши маълум. У мотуридий-ҳанафий олимлардан бўлиб, усмонлиларда муфтий лавозимида фаолият юритган (Ibn Imod H., 1979:239).

6. Абдураззоқ ал-Лоҳижий (б. Али б. Ҳусайн ваф. 1072/1661 шиа) Садриддин Шерозийнинг

шогирди, фалсафа ва мантик олимларидан бўлган (Rizo U., 1957:218). Унинг “Шаворик ал-илҳом фи шарҳ Тажрид ал-калом” (Каломни саралаш шарҳидаги илҳом парвозлари) номли бир шарҳида 4 та масала (умумий ишлар, жавҳарлар, аразлар, илоҳиёт) шарҳланган бўлса, яна бир “Машорик ал-илҳом” (Илҳом машриқлари) номли бошқа шарҳида фақат бир масала (илоҳиёт) шарҳланган. “Шаворик” нинг Акбар Асад Ализода томонидан тайёрланган танқидий нашри 1968 йил Эроннинг Қум шаҳрида 5 жилдда чоп қилинган бўлиб, унда эҳтимол мазкур иккала шарҳ бир-бирини тўлдирувчи яхлит бир асар бўлиши ҳам мумкинлиги таъкидланган (Alizoda A., 1968:16).

7. Муҳаммад ал-Омилийнинг (Муҳаммад Ашраф б. Абдулҳасиб б. Аҳмад ал-Хусайний ал-Исфажоний ваф.1145/1732) “Шарҳ ал-тажрид” (Саралашнинг шарҳи) номли шарҳи форс тилида ёзилган (Rizo U., 1957:64).

8. Жаъфар ал-Астрободийнинг (ал-Мавло Муҳаммад б. Сайфиддин ваф.1263/1846) шарҳи “ал-Бароҳин ал-қотиъа фи шарҳ Тажрид ал-ақоид ал-сотийъа” (Ёрқин ақидаларни саралаш шарҳидаги қатъий далиллар). Эронда нашр қилинган (Xavonsoriy, 1991:207-210).

9. Муҳаммад ал-Танқобанийнинг (б. Сулаймон б. Муҳаммад Рафиъ б. Абдулмуттолиб ваф.1302/1884) шарҳи форс тилида ёзилган, 15 байт (сатр)дан иборат (Shaybiy K., 1982:88).

10. Шамсиддин ал-Исфажонийнинг (Муҳаммад ал-Байҳақий сунний) “Тафрид ал-эътикод фи шарҳ Тажрид ал-эътикод” номли шарҳи асли билан аралаш ҳолда (Shaybiy K., 1982:88).

11. Ал-Муҳаққиқ ал-Табризий (ал-Ҳожи Маҳмуд б. Муҳаммад б. Муҳаммад) 913/1507 йилда шарҳ ёзган (Shaybiy K., 1982:88).

12. Али ал-Бадахший (ал-Мавло Зайниддин) 1023/1614 йилда “Тажрид” нинг “Илоҳиёт” қисмига форс тилида “Тухфаи шоҳий ва аътийи илоҳий” номли шарҳ ёзган (Shaybiy K., 1982:88).

13. Мирзо Имоиддин ал-Самноний (Маҳмуд ал-Шариф б. Мирзо Масъуд) 1068/1685-7 йилда форс тилида шарҳ ёзган (Shaybiy K., 1982:88).

14. Билол ал-Шохиний (Ал-Мавло ал-Қоиний) ҳам шарҳ ёзгани замондошимиз ал-Ҳожи Муҳаммад Боқир ал-Биржандий “Бағийя ал-толиб” асарида зикр қилган.

15. Муҳаммад ал-Шерозийнинг (ал-Маҳдий ал-Хусайний) “ал-Қовл ал-садид фи шарҳ ал-Тажрид” замондошимиз асари Нажафда 1381/1961 йилда нашр қилинган. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда асл матн шарҳдан алоҳида ажратилган. Бундан ташқари у ал-Ҳаллийнинг Қумда нашр этилган,

санаси қайд этилмаган, “Кашф ал-мурод” асарига таянилган.

Тажридга кўплаб кейинги давр олимлари томонидан 53 та **ҳошиялар** ҳам боғланган бўлиб, жумладан, уларнинг қуйидаги 10 та кўлёзма нусхаси маҳаллий ва хорижий кўлёзма фондларида сақланаётганлиги аниқланди:

1. Муҳаммад ал-Бобартийнинг (ваф.786/1384) ҳошияси (Brockelmann C., 1938:89,90). У Муҳаммад б. Муҳаммад б. Муҳмуд б. Аҳмад ал-Румий Мисрда рамазон ойининг 19-куни вафот этган (Toshko'prizoda, 1975:243) (Rizo U., 1957:298).

2. Рукниддин ал-Алавийнинг (Абу Муҳаммад ал-Ҳасан б. Муҳаммад б. Шариф Шоҳ ваф.715/1315, Тусийнинг шогирди ва ёрдамчиси) ҳошияси (Shaybiy K., 1982:88).

3. Ал-Саййид ал-Шариф ал-Журжоний ал-Ҳанафийнинг (Абу ал-Ҳасан ал-Хусайний Али б. Муҳаммад б. Али ваф.816/1413) (Rizo U., 1957:216) ҳошияси ал-Исфажонийнинг “Ташйид ал-қоваъид фи шарҳ Тажрид ал-ақоид” номли шарҳига ёзилган. Унинг нусхаси Искандария шаҳар кутубхонасида (X-3014 рақамли) мавжуд (Brockelmann C., 1938:305,306).

4. Маҳмуд ал-Қошонийнинг (Насириддин б. Али б. Муҳаммад ал-Ҳаллий ваф.755/1254) ҳошияси Исфажонийнинг шарҳига ёзилган. Тажрид борасида Тусийга Исфажоний билдирган истак ва эътирозларига жавоб берган (Ne'mat A., 1987:314,315). Бу манбада Ҳаллийнинг вафот йили 1254 хато кўрсатилган. Эҳтимол 1354 бўлиши мумкин, чунки Исфажоний ваф. 1351, Тусий ваф. 1274. Бошқа маълумотга кўра ваф.735/1335.

5. Шамсиддин Муҳаммад ал-Хафрий (ваф.810/1407) Тусийнинг Тажридига ҳошия ёзган. У калом, мантиқ ва усул ал-фикҳ олими бўлган (Rizo U., 1957:282).

6. Ал-Амир Абу ал-Маъолий (Садриддин Муҳаммад б. Иброҳим ал-Шерозий (828/1425-қ.903/1498) шиа файласуфларидан) Тажриднинг эски (Ал-Исфажоний) ва янги (Али Кушчи) шарҳларига (Араз ҳақидаги баҳслар бўлимига қадар) 2 та ҳошия ёзган (Ne'mat A., 1987:343).

7. Ҳасан ал-Фанорийнинг (Чалабий б. Муҳаммадшоҳ б. Ҳамза ал-Румий ал-Ҳанафий Бадриддин ваф. 886/1481) ҳошиялари Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳига ёзилган (Rizo U., 1957:213).

8. Ал-Хаёлийнинг (Шамсиддин Аҳмад б. Мусо ал-Ҳанафий ваф.(870) 886/1481) ҳошияси Тажриднинг шарҳига ёзилган. У калом, усул, фикҳ ва тасаввуф олими бўлган (Ibn Imod H., 1979:344).

9. Ҳасан ал-Сомуний (Муҳйиддин Муҳаммад б. Ҳасан б. Абдуссомад ал-Румий ал-Ҳанафий

ваф.891/1486) (ал-Самсуний 910) (Soysal M., 2014:44) хошияси Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳи хошиясига ёзилган. У калом, усул, фикҳ ва тасаввуф олими бўлган (Ibn Imod H., 1979:94).

10. Муҳаммад ал-Бардаъий (Мухйиддин Муҳаммад б. Муҳаммад б. Муҳаммад ал-Табризий ал-Ҳанафий ваф.927/1561) хошияси Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳи хошиясига ёзилган (Ibn Imod H., 1979:156).

11. Жалолиддин ал-Даввоний (Муҳаммад б. Асъад ал-Сиддикий 830-918/1427-1512) Тажрид шарҳига “қадим” (Исфохонийга) ва “янги” (Али Кушчига) номли 2 та хошия ёзган (Abdulloh Iyd Rovas, 1961:133,134). “Қадимги хошия” нинг бир қўлёзма нусхаси Техрон миллий кутубхонасида (№1577/А-Калом) мавжуд (Tehron kutubxona fehrefsti, 1990:70). “Янги хошия”нинг бир қўлёзма нусхаси АҚШдаги Гарвард университети кутубхонасида (№ OL 22800.10.5F / 1966 й.) ва электрон нусхаси қўлимизда ҳам мавжуд.

“Даввоний форс тилида ҳам “Хошияти шарҳи Кушчи” номли хошия ёзган. У “Шарҳи Кушчи” номи билан учта китоб шаклида тасниф қилган, улар “Хошияту ажадду бар шарҳ тажрид Кушчи”, “Хошияту жадид бар шарҳ тажрид Кушчи”, “Хошияту қадим бар шарҳ тажрид Кушчи”. Ушбу учинчи хошия “Ажадду мавсум” номли китобнинг “Шарҳ тажрид” номли шарҳига хошиядир. “Муъжам ал-булдон”да қайд қилинишича, “Хошияту шарҳ Кушчи” Истанбулда нашр этилган. Лекин бу нашр қилинган хошия юқоридаги учта хошиядан қайси бири эканлиги номаълумдир”.

12. Муҳаммад ал-Муғлавий (б. Маҳмуд ал-Вафой ал-Ҳанафий ал-Румий ваф.940/1533) хошияси Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳи хошиясига ёзилган (Rizo U., 1957:7).

13. Мирзожоннинг (Ҳабибуллоҳ ал-Шерозий ваф.944/1537) хошияси Али Кушчининг Тажрид шарҳига ёзилган. Унинг иккита қўлёзма нусхаси Техрон миллий кутубхонасида (№1565, №1559/А-Калом) мавжуд (Tehron kutubxona fehrefsti, 1990:55-60).

14. Ал-Ардабий (Ҳусайн б. Шарафиддин Абдулҳақ ваф.950/1543; Аҳмад б. Муҳаммад ваф.993/1585) хошияси Тажридга Али Кушчи томонидан ёзилган шарҳга Жалолиддин ал-Даввоний ёзган хошияга ёзилган. У ақлий ва нақлий илмларда мохирлардан, шунингдек, математика, астрономия ва тиб илмларида машхурлардан бўлган (Ne'mat A., 1987:254).

15. Маҳдий ал-Шерозий (ваф.957/1550) хошияси Тажрид шарҳига ёзилган. У машхур мутафаккир ва муфассир бўлган (Rizo U., 1957:28).

16. Тошқўпризоданинг (Асомиддин Абулхайр Аҳмад б. Мустафо б. Халил ал-Румий ал-Ҳанафий 901-962(8)/1495-1561) хошияси Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳи хошиясига китобнинг бошидан “Моҳият баҳслари” бўлимига қадар ёзилган. Унда Али Кушчи, Жалолиддин ал-Даввоний, Мирсадриддин ва Хатибзодаларнинг ҳам айтган сўзлари жамланган (Ibn Imod H., 1979:352) (Rizo U., 1957:177).

17. Шужоуддин ал-Румийнинг (Сулаймон ваф. 972/1565, (Илёс ал-Қусж 929) (Soysal M., 2014:44) факих, мутакаллим, муфтий) хошияси Тажридга (хошиясига) ёзилган (Rizo U., 1957:28).

18. Ҳусайн ал-Яздийнинг (Мулла Абдуллоҳ б. Шиҳобиддин ваф.981/1574 аллома, фозил, факих, мантиқ ва ақлий илмлар олими) хошияси Тажриднинг янги шарҳига Жалолиддин ал-Даввоний ёзган эски хошияга, шунингдек, Тажриднинг шарҳидаги “Жавҳарлар баҳси” бобига ёзилган (Ja'far Boqir O.M., 1986,2008:385,386).

19. Аҳмад ал-Қозизоданинг (Шамсиддин Аҳмад б. Маҳмуд ал-Адарнавий ал-Румий ваф.988/1580 факих, муфти) хошияси Тажриднинг шарҳига ёзилган (Rizo U., 1957:171).

20. Сибоҳийзода ал-Барусавийнинг (Муҳаммад б. Али ваф.997/1589) хошияси Саййид Шариф Журжонийнинг Тажрид шарҳига ёзилган (Rizo U., 1957:12).

21. Садриддин ал-Шерозийнинг (Муҳаммад б. Иброҳим ваф. 1050/1640 файласуф) хошияси (Rizo U., 1957:203) Насриддин Тусийнинг Тажридага Али Кушчи ёзган шарҳига, ундаги эътирозларга жавобан ёзилган. Бу Жалолиддин ал-Даввонийнинг янги хошиясига раддия тарзида ёзилган иккинчи хошия ҳамдир. Шерозийнинг Тажрид матнига бошқа хошияси ҳам борлигини Оға Бўзўрг “ал-Зариъа” асарида келтиради (Ja'far Oli Yasin, 1978:45).

22. Фаҳриддин ал-Астрободийнинг (Муҳаммад б. Ҳусайн ал-Ҳусайний ал-Самокий) хошияси Али Кушчи шарҳидаги “Учинчи мақсад” бобига ёзилган. Унинг бир нусхаси Дор ал-кутуб ал-мисрияда (Б-19909) ва яна бир нусхаси Техрон миллий кутубхонасида (А-1193) мавжуд (Tehron kutubxona fehrefsti, 1990:181).

23. Ал-Лоҳижийнинг (ваф.1072/1661) хошияси Тажриднинг Илоҳиёт бобига ёзилган шарҳга Шамсиддин Муҳаммад ал-Хафрий томонидан ёзилган хошияга ёзилган (Ne'mat A., 1987:296).

24. Ал-Ҳусайн ал-Хавонсорий (б. Жамолддин Муҳаммад б. ал-Ҳусайн 1016/1606-1098/1688) Жалолиддин ал-Даввонийнинг эски хошиясига иккита хошия ёзган (Ne'mat A., 1987:287).

25. Ал-Хусайн б. Иброҳим ал-Танқобанийнинг хошияси ал-Хафрийнинг хошиясига ёзилган (Ne'mat A., 1987:255).

26. Ал-Мавла ал-Жийлоний (ваф.1134/1761) хошияси (Shaybiy K., 1982:88). Жаъфар ал-Астрободийнинг (ал-Мавло Муҳаммад ваф.1263/1846) хошияси (Shaybiy K., 1982:88).

27. Боқир ал-Нажафийнинг (Муҳаммад б. Муозиддин ал-Хусайний ал-Ризавий) хошияси Тажридга Жалолиддин ал-Даввоний томонидан ёзилган эски хошиясига битилган (Ne'mat A., 1987:47).

28. Али Қушчи шарҳига ёзилган муаллифи номаълум хошия. Шоҳ Сулаймон ал-Сафавий (х.1077-1106) замонда ёзилгани маълум. Унинг бир нусхаси Дор ал-кутуб ал-мисриядаги мажмуа (Б-19118 рақамли) таркибида (186-345-саҳифаларида) мавжуд.

29. Али Қушчи шарҳига ёзилган муаллифи номаълум хошия. Унинг бир нусхаси (Қ-135 рақамли) Дор ал-кутуб ал-мисрияда мавжуд.

30. Ал-Исфажонийнинг шарҳига ёзилган муаллифи номаълум хошия. Унинг бир нусхаси (Х-12, А-543 рақамли) Танто шаҳридаги ал-Аҳмадий масжидида мавжуд.

31. Самарқандийнинг шарҳига ёзилган муаллифи номаълум хошия. Унинг бир нусхаси (Х-369 рақамли) Искандария кутубхонасида мавжуд.

32. Тажрид хошиясига ёзилган қўйидаги 15 та хошиянинг фақат муаллифларигина маълум (Soysal M., 2014:44): Хатибзода Муҳаммад б. Иброҳим (ваф.901/1495), Синониддин Юсуф Ажам Синон, Ибн ал-Муид, Аҳмад ал-Толиший ал-Жилий, Мухйиддин б. Муҳаммад б. Қосим (ваф.904х.), Ҳусомиддин Ҳусайн б. Абдурахмон ал-Токадий (ваф.926х.), Али б. Амруллоҳ б. ал-Ҳаной (ваф.979х.), Абдурахмон Ғазолийзода, Ҳизр б. Абдулқарим (ваф.999х.), Сулаймон б. Мансур Тусийнинг шайхи, Шоҳ Муҳаммад б. Ҳарам (ваф.978х.), Мухйиддин Аҳмад б. Иброҳим ал-Нухас ал-Димашқий, Абдулғани б. Амиршоҳ б. Маҳмуд (ваф.991х.), Муҳаммад Сипоҳийзода (ваф. 997х.), Муҳаммад б. Абдулқарим Зулфиникор (ваф. 964х.) (Ҷелеби К., 1982:347)

Шунингдек, таълиқот (*қўшимча, илова*) асарлардан иккитаси Боқир Журайбийга (Оға Муҳаммад Али б. Муҳаммад ал-Ҳазор 1188/1767-1245/1832) тегишли. Уларнинг бири “Таълиқ ала ал-Шаворик вал-Тажрид” (Шаворик ва Тажридга қўшимча) деб, иккинчиси “Ма ятааллак бил-Тажрид мин ал-шуруҳ вал-ҳавоший” (Тажриднинг шарҳлари ва хошияларга қўшимча) деб номланган.

Тажридга Али Қушчи шарҳининг 13 та нусхаси ва унга ёзилган хошияларнинг 2 таси жами 15 та нусха Ўзбекистондаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланиши у ердаги каталогда қайд этилган.

ТАҲЛИЛ

Мазкур нусхалар ҳақидаги маълумотлар шундан далolat берадики, бугунга қадар Тажриднинг 4 та нусхаси сақланиб қолган, 2 таси нашр қилинган. Унга ёзилган 15 номдаги шарҳларнинг жами 45 та нусхаси сақланган, уларнинг энг кўпи 39 таси Али Қушчи шарҳининг нусхалари, 5 тасининг жами 10 та нашри қилинган. 53 та хошиянинг 8 таси Али Қушчи шарҳига ёзилган, хошияларнинг 10 та нусхаси сақланиб қолган. Яна 15 та хошиянинг фақат муаллифларигина, 2 та таълиқотнинг эса номи ҳам маълум холос.

Тажрид аслида шиалик мазҳаби ақидалари асосида ёзилган бўлса-да, унга суннийлик мазҳабларидаги олимлар томонидан 4 та шарҳ ва 8 та хошия ёзилган. Бу эса асарнинг турли мазҳаб вакиллари учун ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлганини ва ноёб ҳодиса эканини кўрсатади. Чунки, кўпчилик асарлар, асосан, муайян бир мазҳаб доирасида ёзилиши маълум.

Шунингдек, бир асарда бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафий, ҳам ақидавий масалалар ёнма-ён таҳлил қилиниши муаллифларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар соҳасида қомусий олимлар бўлганидан далolat беради. Дарҳақиқат, Тусийнинг ҳам, Али Қушчининг ҳам аниқ, табиий ва ижтимоий фанларга оид асарлари машҳур бўлган ҳамда соҳа мутахассислари орасида таҳсинга сазовор бўлган (Makhsudov D., 2019:31). Кўпчилик шорихларнинг ҳам илмий соҳалари ўхшаш. Улардан энг машҳурларидан бири бўлган Даввоний фикҳ (Muhamedov N., 2015:120; Mukhamedov N., 2020:6) ва калом билан бир қаторда фалсафа, мантиқ, ахлоқшунослик, риёзиёт ва геометрия соҳалари бўйича ҳам рисоалар ёзган.

ХУЛОСА

Асар XIII асрда (660/1262) араб тилида ёзиб тугатилган бўлса, кўп ўтмай унга араб ва форс тилларида шарҳлар, хошия ҳамда таълиқотлар ёзилди. Жумладан, илк бора XIV асрда 6 та, XV асрда 17 та (Али Қушчи шарҳи энг кўп нусхаси ҳозиргача сақланган ва 3 марта нашр қилинган), XVI асрда 18 та, XVII асрда 6 та, XVIII асрда 2 та, 19-асрда 4 та. Шунингдек, XIX – XX асрларда 1996, 2002 й. Искандарияда, 1886, 1890 й. Ҳиндистонда, 1988, 1998 й. Байрутда, 1951, 1968, 2003, 2012 й.

Қумда, 2012 й. Қувайтда, 1880 й. Табризда, 1961 й. Нажафда, Истанбулда (йили номаълум) жами 8 та давлатда 14 марта нашр этилган.

Тажридининг ҳали таркибий мазмунига кирмай туриб ҳам унинг аҳамиятига замон ва макон нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, асарга ҳар даврда кўпчилик олимларнинг мурожаат қилгани, унинг тарихий-хронологик ва географик жиҳатдан ҳам қамрови салмоқли экани маълум бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. عباس، محمد حسن سليمان (1996). تحقيق تجريد العقائد. دار المعرفة الجامعية.
2. عبد الله عيد رواس (1961). تاريخ النور الصافر عن أخبار القرن العاشر.
3. علي زادة، أكبر أسد (1968). تحقيق الشوارق. قوم.
4. عليان، سرکيس يوسف (1922). معجم المطبوعات العربية. نور الخيرية.
5. بيروت (1982). كشف الظنون. 5. كاتب جلبي.
6. Aydin, Cengiz (1989). TDV İslâm Ansiklopedisi. Istanbul. 1989 y. 2-jild.
7. Brockelmann, Carl (1938). Geschichte der arabischen Litteratur (GAL). -Leiden, 1938.
8. Carlo, Nallino Alfonso (1911). Arabian astronomy: its history during the medieval times. 1911.
9. Çengiz, Aydin (1989). TDV İslâm Ansiklopedisi, 1989 y., 2-jild, 1989.
10. Davroniy, Jaloliddin (h.1365) "Ali Qushchining Tajrid sharhiga hoshiya" Britaniyadagi Garvard universiteti kutubxonasi, № OL 22800.10.5F, 1966.
11. Nallino, Carlo Alfonso (1911). Arabian astronomy: its history during the medieval times. Rome. 1911.
12. Nurmuhamedov, Davron (2018). <http://davron28.fikr.uz/> <http://fikr.uz/blog/>
13. Soysal, Mehmet Fatih (2014). "Ali Kuşçu'nun Şerhu Tecridi'l-Kelâm'ından usûl-i selâse konularının tahkiki ve ilâhiyat meselelerinin tahlili." Doktorlik (PhD) dissertasiyasi. Istanbul, 2014.
14. Tehron milliy kutubxonasida qo'lyozma nusxalar fehrsti. 1990.
15. Tusi, Nasiruddin (h.1090) "Qirol Saud universiteti" kutubxonasi, 3957-raqamli nusxa. h.1090.
16. - 1986, 2008). ماضي النجف وحاضرها. - دار العزوة.
17. جعفر ال يس (1978). الفيلسوف الشيرازي، منشورات، عويدات. هواسي. بيروت.
18. ابن عماد حنبلي (1979). شذرات الذهب في أخبار من ذهب. دار المصيرة. بيروت.
19. نعمت، عبد الله (1987). فلاسفة الشيعة حياتهم وأراؤهم. دار الفكر، بيروت.
20. رضي، عمر (1957). معجم المؤلفين. دار إحياء التراث العربي. بيروت.
21. سيد عبدالله انور (1357 هـ). فهرست نسخ خطي كتاب خانه مللي. طهران.
22. صابر عبده أبو زيد (2002). شرح التشجي على تجريد العقائد الطوسي .. مبحث الإلهيوت. مصر، الاسكندرية. دار الوفي لندنيا الطباعة والنشر.
23. طاشكيري زاده (1975). الشقائق النعمانية في علماء الدولة العثمانية.

24. طاشكيري زاده (1985). مفتاح السعادة ومصباح السيادة. دور الكتب العلمية. بيروت.
25. (1991). روضة الجنات في أحوال العلماء والسادة. - دار الاسلامي. بيروت.
26. (1982). النزاعات الصوفية التشيع. هواسي. - دار الأندلس. بيروت.
27. Makhsudov, Davronbek (2019) "Muslim world scientists of the temurids period," The Light of Islam: Vol.2019:Iss.3,Article 4. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss3/4>
28. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nın Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
29. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3, 4-15. Article 1.Avalable at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/1>
30. Tohirov, Jahongir (2020) "Authentic approach to secularism and religiosity: example of Mirza Ulugbek and Ali Kushchi," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 18. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/18>
31. Alloqulov, A. (2020). Role of Nasafi's "Aqaid" in the struggle against ideas of modern fanatical movements. The Light of Islam, 2020(1), 4-9.
32. Okilov, Saidmukhtor (2019) "Disclaimer of mistakes in the scientific heritage of Abu-l-Mu'in Nasafi in dogma issues (based on the work of «Bakhr al-kalam»)", The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 1. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/1>
33. Sobirov, J. (2020). International Relations Between Turkic Speaking States. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(12), 144-149. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume02Issue12-22>

REFERENCES:

1. Abbos, Muhammad Hasan Sulaymon (1996) tahqiq "Tajrid al-aqid". Dor al-ma'rifa al-jome'iya nashriyoti, 1996.
2. Abdulloh Iyd Rovas (1961). Tarix al-nur al-sofir an axbor al-qorn al-a'shir. 1961.
3. Alizoda, Akbar Asad (1968). "Shavoriq" ning tanqidiy nashri. Qum. 1968.
4. Alyan, Sarkis Yusuf (1922). Mu'jam al-matbuot al-arabiya. Nur xayriya, 1922.
5. Kâtip, Çelebi (1982). Keşfü'z-zunûn an esâmi'l-kütübi ve'l-fünûn, Beyrut, 1402/1982.
6. Aydin, Cengiz (1989). TDV İslâm Ansiklopedisi. Istanbul. 1989 y. 2-jild.
7. Brockelmann, Carl (1938). Geschichte der arabischen Litteratur (GAL). -Leiden, 1938.
8. Carlo, Nallino Alfonso (1911). Arabian astronomy: its history during the medieval times. 1911.
9. Cengiz, Aydin (1989). TDV İslâm Ansiklopedisi, 1989

- y., 2-jild, 1989.
10. Davroniy, Jaloliddin (h.1365) "Ali Qushchining Tajrid sharhiga hoshiya" Britaniyadagi Garvard universiteti kutubxonasi, № OL 22800.10.5F, 1966.
 11. Nallino, Carlo Alfonso (1911). Arabian astronomy: its history during the medieval times. Rome. 1911.
 12. Nurmuhamedov, Davron (2018). <http://davron28.fikr.uz/http://fikr.uz/blog/>
 13. Soysal, Mehmet Fatih (2014). "Ali Kuşçu'nun Şerhu Tecridi'l-Kelâm'ından usûl-i selâse konularının tahkiki ve ilâhiyat meselelerinin tahlili." Doktorlik (PhD) dissertasiyasi. Istanbul, 2014.
 14. Tehron milliy kutubxonasida qo'lyozma nusxalar fehesti. 1990.
 15. Tusi, Nasiruddin (h.1090) "Qirol Saud universiteti" kutubxonasi, 3957-raqamli nusxa. h.1090.
 16. Ja'far Boqir Oli Mahbuba (1986,2008). Moziy al-Najaf va hoziruha. -Dor al-azvo, 1986, 2008.
 17. Ja'far Oli Yasin (1978). "al-Faylasuf al-Sheroziy, manshurot, a'vidot". Hoshiya. Bayrut. 1978.
 18. Ibn Imod Hanbaliy (1979). Shazarot al-zahab fi axbor min zahab. Dor al-masira. -Bayrut. 1979.
 19. Ne'mat, Abdulloh (1987). Falosifa al-shi'a hayatuhum va orouhum. Dor al-fikr, Bayrut, 1987.
 20. Rizo, Umar (1957). Mu'jam al-muallifin. Dor ihyo al-turos al-arabiy. Bayrut. 1957.
 21. Sayyid Abdulloh Anvar (h.1357). Fihrist nusax xatti ketobxonei melliy. -Tehron, h.1357.
 22. Sobir Abduh Abu Zayd (2002). "Sharh al-Qushjiy ala tajrid al-aqoid lit-Tusi / Mabhas al-ilohiyot". Misr, Iskandariya. Dar al-vafo li dunyo al-Tabo'a val-nashr. 2002.
 23. Toshko'prizoda (1975). Al-Shaqoiq al-nu'maniyya fi ulamai al-davla al-'usmaniya. Dor al-kitab al-arabiy. -Bayrut, 1975.
 24. Toshko'prizoda (1985). Miftah al-saodat va misbah al-siyadat. Dor al-kutub al-ilmiyya. -Bayrut, 1985.
 25. Xavonsoriy (1991). Ravzot al-jannot fi ahvol al-ulamo va al-sodot. -al-Dor al-islomiy, -Bayrut, 1991.
 26. Shaybiy, Komil Mustafo (1982). Al-Niza'ot al-sufiya al-tashi'. Hoshiya. -Dor al-Andalus. -Bayrut, 1982.
 27. Makhsudov, Davronbek (2019) "Muslim world scientists of the temurids period," The Light of Islam: Vol.2019:Iss.3,Article 4. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss3/4>
 28. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>
 29. Mukhamedov, Nematullo (2020) "ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3, 4-15. Article 1.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/1>
 30. Tohirov, Jahongir (2020) "Authentic approach to secularism and religiosity: example of Mirza Ulugbek and Ali Kushchi," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 18. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/18>
 31. Alloqulov, A. (2020). Role of Nasafi's "Aqaid" in the struggle against ideas of modern fanatical movements. The Light of Islam, 2020(1), 4-9.
 32. Okilov, Saidmukhtor (2019) "Disclaimer of mistakes in the scientific heritage of Abu-l-Mu'in Nasafi in dogma issues (based on the work of «Bakhr al-kalam»)," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 1. <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/1>
 33. Sobirov, J. (2020). International Relations Between Turkic Speaking States. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(12), 144-149. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume02Issue12-22>